

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

GULISTON DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI



**TA’LIM TRANSFORMATSIYASI SHAROITIDA TILLARNI
O‘QITISHNING MUAMMOLARI VA ISTIQBOLLARI**

xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to‘plami

2024-yil 17-may

**Сборник материалов международной научно-практической
конференции**

**ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ ПРЕПОДАВАНИЯ ЯЗЫКОВ
В УСЛОВИЯХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ**

17 мая 2024 года

Collection of materials of the international scientific and practical conference

**PROBLEMS AND PROSPECTS OF LANGUAGE TEACHING IN THE
CONTEXT OF EDUCATIONAL TRANSFORMATION**

May 17, 2024

Guliston – 2024

УДК: 81:37.091.33(08)

ББК: 81+74.00

П 78

Ta'lim transformatsiyasi sharoitida tillarni o'qitishning muammolari va istiqbollari: xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plami. – Guliston, “Ziyo nashr-matbaa” nashriyoti. 2024-yil. – 550 b.

To'plamga xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya ishida ishtirok etgan olimlar, o'qituvchilar, doktorantlar, magistrantlar, talabalarning ma'ruza materiallari kiritilgan. To'plamda keltirilgan materiallar nafaqat mutaxassislar, doktorantlar va talabalar uchun, balki keng kitobxonlar uchun ham qiziqarli bo'ladi.

Tahririyat a'zolari:

Kurbanov B. Sh., filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent

Jabborova D. D., pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori

Gizatulina O. I., katta o'qituvchi

Taqrizchilar:

Jumanova D. R., filologiya fanlari doktori, professor

Mamatova X. M., pedagogika fanlari doktori, dotsent

Maqolalar mualliflari materiallarning ishonchliligi, keltirilgan faktlar, iqtiboslar va havolalarning to'g'riligi uchun mas'uldirlar.

Guliston davlat pedagogika instituti ilmiy kengashi tomonidan chop etishga tavsiya etilgan.

ISBN 978-9910-792-45-8

Mualliflar jamoasi, 2024

Ziyo nashr matbaa XK

НЕМИС ТИЛИДА ФРАЗЕОЛОГИК АНТОНИМ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Имяминова Шухратхон Салижановна, филология фанлари номзоди,
профессор, Ўзбекистон миллий университети
rummreich@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада немис тилидаги фразеологизмларнинг антонимлик муносабатлари ва унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида фикр юритилган. Бу соҳада тадқиқотлар олиб борган кўплаб олимларнинг фразеологик антонимлар ҳақидаги қарашлари ўрганилган ва антонимларнинг асосий хусусиятлари мисоллар ёрдамида атрофлича таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: фразеология, фразеологизм, фразема, идиома, номинатив, антоним, фразеологик антономия, хусусият, семантик, контрап антонимлар.

Тилларда фразеологизмларнинг келиб чиқиши жиҳатидан жуда қадимий бўлсада, уларни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш нисбатан ёш ҳисобланади. Фразеология тилди улкан жараён бўлса, тилда фразеология амалий жиҳатдан фразеологизм, фразеологик бирлик, фразема, ибора, идиома каби терминлар остида ўрганилиб келинади. Фразеологизмларни ўрганиш ва уни назарий жиҳатдан тадқиқ этиш тилшунос олимларни қадимдан қизиқтириб келган.

Фразеологизмлар икки ёки ундан ортиқ сўзлардан ташкил топади, тилда улар тайёр ҳолда мавжуд бўлади, гапда эса номинатив вазифани бажаради, яъни предметни, белгини, ҳаракатни атаб келади, грамматик кўрсаткичларга эга. Улар ўзига хос лингвистик ва социолингвистик хусусиятларга эга. Фразеологизмлар ҳам лексик бирликлар каби ўзининг синонимлари, омонимлари ва антонимларига эга. Фразеологик синонимлар фразеологик антонимларга қараганда кенг ўрганилган.

Илмий тадқиқотларда фразеологик антонимлар кўп тадқиқ қилинмаган. Албатта, шу соҳада олиб борилган изланишлар маҳсули натижасида тузилган немис тилининг антоним луғатлари мавжуд. Масалан, *Карл Абелнинг «Gegensinn der Worte», Вольфганг Муллернинг «Das Gegenwörterbuch», В. М. Завялованинг «Deutsche Antonyme», Х. Азриколаннинг «Wörter und Gegenwörter»* каби луғатлари мавжуд. Аммо шуни қайд этиш керакки, немис тилида фразеологизмларнинг антоним луғатлари тузилмаган.

Аксарият олимлар томонидан антонимлар таърифи асосида антонимлар қарама-қарши, аммо ўзаро боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи сўзлар деган умумий фикр ётади. Аммо, "қарама-қарши" тушунчаси ноаниқ бўлиб, турли тилшунослар антоним - "қарама-қарши" сўзларни турли категорияга киритадилар.

Фразеологик антонимлар ҳаётнинг турли соҳаларида пайдо бўлиши мумкин, масалан: санъат соҳасидан (*die erste Geige spielen* "биринчи скрипкани чалмоқ, бош рол ўйнамоқ" – *die zweite Geige spielen* "иккинчи скрипкани чалмоқ, аҳамиясиз рол ўйнамоқ"), транспорт соҳасидан (*den Karren in den Dreck schieben* "баъзи ишни бузиш, чалкаштириш"- *den Karren aus dem Dreck ziehen* "тўғрилаш, қандайдир бизнесни йўлга қўйиш").

Фразеологик антонимларнинг келиб чиқиши манбаи турли хил ҳаётӣ вазиятлар бўлиши мумкин.

Дуден луғатининг IX жилдида антонимлар тоифасига контрадиктив ёки кутбли (*gesund- krank; schwarz- weiß*), контрастив (*hell- dunkel*), корреляцион ёки муносабатли (*Bruder- Schwester; Angebot- Nachfrage*) тушунчаларни ифодаловчи сўзлар киради. И.Кноблх антонимларни қуйидаги қарама-қарши турларни ифодалайдиган гуруҳга бўлади: контрадиктив (*gerade- krumm*), контрастив (*kommen- gehen*), корреляцион (*Bruder- Schwester*) [1, 5 б.].

Антонимларнинг асосий хусусиятлардан бири уларнинг инкор сўз ёки фразеологик бирлик билан бевосита боғланишидир. Қарама-қаршиликнинг биринчи компоненти иккинчисини инкор этади, иккинчиси биринчисини инкор қилади. Масалан *j-m keine Ruhe lassen* (тинч қўймаслик) – *jmdn in Ruhe lassen* (ўз ҳолига қўймоқ). Биринчи мисолда кимнидир ўз ҳоли - жонига қўймаслик, эҳтимол унга ҳалал бериш назарда тутилса, иккинчисида эса, бировга тегмаслик, безовта қилмаслик ифодаланади. Бу жуфтлик тузилиш жиҳатдан ҳам семантик жиҳатдан ҳам бир бирига айнан ўхшаш, фақат кейин инкор сўзи орқали бир - бирига зид маъно англатади.

Фразеологизмлар ўртасидаги антонимлик муносабатини улар таркибидаги лексик антонимлар орқали ҳам аниқлашга уриниб кўриш баъзи ҳолларда самарали натижа беради. Масалан: *in Ordnung bringen- in Unordnung bringen*.

Фразеологик антонимларни муҳокама қилиш мотивлари жуда фарқланади. Масалан рус олими Новиков Л. А. фразеологик антонимларнинг бадий нутқнинг муҳим ижро этувчи воситаси сифатидаги аҳамиятини қайд этади ва уларни формал структуравий жиҳатдан тартибга солади [2, 257 б.] Фразеологик антонимлар мунтазам семантик қарама-қаршилик, бир хил лексик-семантик парадигмага тегишли хусусиятлари билан ҳам характерланади. Улар одатда нутқнинг бир хил қисмига тегишли бўлади ва бир хил сўзлар билан ифодаланади [3, 41 б.]. Ушбу фикрлардан фарқли ўлароқ немис тилшуноси В.Флайшернинг таъкидлашича, баъзи фразеологизмларнинг омонимик, синонимик ва антонимик муносабатларга кириша олиш қобилияти туфайли фразеологик компонентлар пайдо бўлган [4]. Бу нуқтаи назарни бошқа муаллифлар ҳам қабул қиладилар, улар келтирган мисолларда тегишли фразеологик компонентлар бир-бирининг ўрнини босади, деб тахмин қиладилар ва шу билан бир хил тузилган компонентлар учун фразеологик антонимия учун асос яратадилар.

А.И.Молотков фразеологик антоним бирликларининг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини аниқлаган: а) қарама-қарши лексик маъно; б) тўлиқ бўлмаган компонентли таркиб; в) бир хил таркибий қисмли [5]; қуйидаги фразеологик антонимларни фикрининг исботи сифатида келтирган: мисоллар, *гладить по шерстке – гладить против шерстки, проводить грань – стирать грань, жить своим умом – жить чужим умом, надевать/носить маску/личину – сбрасывать/скидывать маску/личину. Für jmdn die Hand heben- gegen jmdn die Hand heben, j-m die Zunge binden – j-m die Zunge lösen.*

Келтирилган ушбу мисолда – *für jmdn die Hand heben- gegen jmdn die Hand heben* кимдир биров учун ёки унга қарши иш қилиши англашилади. Фразеологизмлар таркибидаги **für** ва **gegen** компонентлари қарама- қарши маънони ёритиб беради. *J-m die Zunge binden – j-m die Zunge lösen* мисолини тўлиқ бўлмаган таркибий қисмли фразеологик антоним сифатида қараш тўғри бўлади. Чунки бу фразеологик антонимларнинг таркибий қисмини айнан бир хил деб бўлмайди. Уларда қўлланилган феъллар лексик антоним муносабатга кириша олгани сабаб фразеологизмлар компоненти сифатида ҳам антонимик муносабат ҳосил қилган.

Фразеологик антонимларнинг семантик жиҳатдан турлари сўз антонимларининг турларига ўхшаш. Фразеологик антонимлар *контрар*, *комплиментар* ва *векториал* бўлиши мумкин. *Контрар антонимлар* симметрик тузилишга эга бўлади. Мавжуд антонимлар ҳаракатнинг аста-секин кучайиши ёки заифлашиши билан антонимлик муносабатини ҳосил қилади ва қарама- қарши маъно англади, масалан, *jemandes guter Geist – jemandes böser Geist*. Бу мисолни изоҳи сифатида *ҳеч ким ёмон бўлиб туғулмайди, ёмон бўлиб шаклланади* деган мақолни келтириш мумкин, чунки *gut* ва *böse* ўртасидаги фарқ лексик маънода кимнингдир жаҳли чиққани туфайли ўзгарган вазиятдир.

Антонимларнинг структуравий турлари фразеологик birlikларнинг бир турга мансублиги ёки уларнинг турли моделларга эга эканлиги билан белгиланади. Фразеологик антонимлар таркибий жиҳатдан бир хил турдаги ва таркибий хилма-хил фразеологик birlikларга бўлинади.

Фразеологик антонимларни қарама-қарши маъноли фразеологик birlikлар деб ҳисоблаш одат тусига кирган. Фразеологик-антонимлар қуйидаги мажбурий белгилар билан тавсифланади: 1) мунтазам семантик қарама-қаршилиқ, масалан, *kaum drei Käse hoch* (пакана одамга нисбатан ишлатилади) ва *eine lange Latte* (бўйи узун инсонга нисбатан қўлланилади) ҳар қандай контекстда қарама-қарши маънога эга; 2) уларнинг бир хил лексик-семантик парадигмага мансублиги, масалан, *den Durchblick haben – den Durchblick verlieren*.

Немис тилидаги фразеологик антонимлар тўғрисида ҳозирга қадар мукамал тадқиқотлар олиб борилмаган бўлсада, аммо бу борада қилинган баъзи ишлар мавжуд. Л. П. Зими́на “Антонимия фразеологических единиц в современном немецком языке” (1977) номли ўқув қўлланмасида фразеологик антонимларни таърифлаб берган. Л. П. Зими́на немис тилида фразеологик антонимларни иккита гуруҳга ажратган - таркибий ва семантик гуруҳлар: бир компонентли (бир хил турдаги) ва кўп компонентли (ҳар хил турдаги). Масалан: *dicke Ohren haben* “қулоғи қотган” – *dünne Ohren haben* “қулоғи юмшоқ”; *an sich halten* “(масъулиятни) ўз зинмасига олмоқ” - (*alle*) *Herrschaft über sich verlieren* “бўйин товламоқ (масъулиятдан қочмоқ)”.

Шундай қилиб фразеологизмларда ҳам антонимлик муносабати борлигини ва уни немис тилида янада бойитиш зарурлигини кўриш мумкин.

Антонимия ҳам тилда синонимия, омонимия, гиперонимия, гипонимия каби луғат бойлигини оширишга, тил birlikларини- морфемалар,

лексемалар, семалар ва фразеологик бирликларнинг ўзаро қарама- қарши муносабатларини ўрганеди. Антонимия муаммолари бўйича мавжуд тадқиқотларни таҳлил қилиш даврида (Л.Р.Зиндер, Э.И.Родичева, М.Д. Степанова, Т.В.Строева-Соколская, И.И.Чернишева, Н.М.Шанский ва бошқалар) “антоним” тушунчасини талқин қилиш, антонимларни таснифлаш ва тизимлаштириш бўйича тилшуносларнинг қарашлари бир хил эмас деган хулосага келишга имкон беради.

Немис тили фразеологиясида антонамия ҳодисасида инсонларнинг ҳис- туйғулари, ички кечинмаларини ифодаловчи антонамик муносабатлар мавжудлиги ва немисча фразеологик антонамия ҳодисаси бирикмалар орасидаги худди шунга ўхшаш инсонларнинг ички-кечинмалари феъл сўз тукумига хос бўлган сўзлар билан бирикиб, кўплаб фразеологик бирликларни ҳосил қилиши мумкинлигини таъкидлаш ўринлидир.

Тилдаги фразеологик бирликларни семантик нуқтаи назардан, хусусан, уларга хос эмоционал баҳолаш, образлилик, экспрессивлик каби хусусиятларни ўрганиш орқали уларнинг миллийлик хусусиятини ҳам очиқ бериш имкони пайдо бўлади. Немис тилидаги антонимик маъноли иборалар семантик жиҳатдан таснифланганда уларнинг асосан, уч хил тури тилда жуда кенг тарзда мавжудлиги кўзга ташланганлиши аниқланди.

Немис фразеологиясидаги вақтни ифодаловчи иборалар антоним жуфтлик ҳосил қила олади ва уларнинг ифода воситалари эса кенг қамровли эмаслиги кўзга ташланади. Шунингдек, улар ифодалаётган “вақт” маъноси асосан мазкур объектнинг боши ва охири каби семантик тушунчалар билан боғлиқдир.

Немис тилшунослигида фразеологиянинг алоҳида соҳа сифатида шаклланиш жараёни давом этмоқда ва ушбу соҳада кўплаб янгиликлар олиб борилмоқда. Шунга қарамасдан фразеологиянинг ечилиши лозим бўлган муаммоли қисмлари, ушбу соҳанинг нақадар чуқур ўрганиш кераклигини яққол кўрсатиб бермоқда.

Адабиётлар

1. Завьялова В. М. Deutsche Antonyme. – Москва, Высшая школа, 1969.
2. Новиков Л.А. Антонимия в русском языке. – М., 1973
3. Жуков В.П. О знаковости компонентов фразеологизма. – ВЯ 6. 1975.
4. Fleischer W. Phraseologie der deutschen Gegenwartssprache. – Leipzig, 1982.
5. Молотков А.И. Основы фразеологии русского языка. – Ленинград, 1977.